

Кечаси дафн қилишнинг шаръий ҳукми

05:00 / 19.01.2017 4876

Мусулмонлик ва инсонийлик юзасидан ўлган одамни ерга кўмиш – қабрга дафн қилиш амалиёти фарзи кифоя ҳисобланади. Маййитни тезроқ кўмиш борасида Расулulloҳ (с.а.в.)дан алоҳида кўрсатма бор:

رشف كلذىوس كتنا واهنومدقت ريخف ةحل اص كتنا ةزانجلاب اوعرسأ
مكباقر نعنهنوعضت

"Жанозани тезлатинглар! Бас, агар у солиҳ бўлса, яхши, уни эртароқ олиб борасизлар. Агар бундан бошқача бўлса, унда ёмон. Уни гарданларингиздан (тезроқ) кўясизлар" (Бухорий, 2/1315; Муслим, 2/944; Термизий, 2/1015; Абу Довуд, 2/3181; Насоий, 12/1910-1911; Ибн Можжа, 1/1477; Аҳмад, 2/7265; Байҳақий, 2/7092; Ибн Абу Шайба, 2/11263; Баззор, 2/7631).

Абу Довуд (р.х.) ривоят қилишича, Талҳа ибн ал-Барро (р.а.) вафот қилганида, Расулulloҳ (с.а.в.) бундай деганлар:

ةفيجل يغبنني الهناف اولجج و هبىنونذآف تومل اهي فثح دق ةحلط ىرأل ىنى
لهل ىنارهظ ني بسبحت نا ملسم

"Мен Талҳага ўлим келган деб ҳисоблайман. Ундай бўлса, мени чақиринглар ва (жаноза ва дафн ишларини) тезлаштиринглар. Чунки, мусулмоннинг жасади оиласининг елкасида туравергани яхши эмас" (Абу Довуд, 1/178).

Фикҳий манбаларда жаноза ишларини тезлаштириш ҳамда тезроқ дафн қилиш мустаҳаб амал эканини қуйидагича баён қилинган:

نودام ىا ةزانجلاب اوعرسأ ملس و هيلع هللا ىلص هلوقل اهب عارسالابحتسي و
كتنا و هيلاهنومدقت ريخف ةحل اص كتنا ةحلط ىرأل ىنى فامك ببخل
هل هزيهجتب عارسالابحتسي اذك و مكباقر نعنهنوعضت رشف كلذىريغ

"Жанозани тезлатиш мустаҳаб бўлади. Расулulloҳ (с.а.в.)нинг "Жанозани тезлатинглар!", деган гаплари учун. Яъни, лўкиллаиб олиб бормаслик керак. Чунончи, Ибн Масъуд (р.а.)нинг ривоятида бундай келган: "Бас, агар солиҳ инсон бўлса, демак яхши, уни тез олиб борган бўласиз. Агар бундай

бўлмаса, демак ёмон, уни тезроқ елкаларингиздан қўясиз". Шунингдек, жанозани тайёрлаш, кафанлаш, дафн қилиш ишларининг барчасини тезлатиш мустаҳаб бўлади" (Аҳмад ат-Таҳтовий. Ҳошият ат-Таҳтовий ʼала Мароқий ал-фалоҳ шарҳ нур ал-ийзоҳ. – Байрут: Дор ал-кутуб ал-илмия, 1997. – Б. 604).

Шу борада ҳатто фикҳий манбаларда қуйидагича фатволар қайд қилинган:

1)Жумъа куни эрталаб вафот этган кимсанинг жинозасини катта жамоа кўп бўлсин, деган мақсадда жумъа ўқилгунича кечиктириш макруҳ бўлади, дейилган. Агар жаноза сабабли жумъадан қолиш хавфи бўлсагина жумъа ўқилгунича дафнни кечиктириш мумкин, дейилган (Нажмиддин аз-Зоҳидий. Қунйат ал-мунйа. – Ҳиндистон, 1842. – Б. 56; Аҳмад ат-Таҳтовий. Ҳошият ат-Таҳтовий ʼала Мароқий ал-фалоҳ шарҳ нур ал-ийзоҳ. – Байрут: Дор ал-кутуб ал-илмия, 1997. – Б. 604).

2)Ҳайит намозига жаноза ўқиш учун маййит келтирилса, аввал ҳайит намози ўқиб олинади-да, унинг хутбасидан олдин жаноза намози ўқилади. Сўнгра ҳайит хутбаси ўқилади. Аслида ҳайит намозидан олдин жаноза ўқиш керак, бироқ, одамларда намоз борасида иккиланиш юзага келмаслиги учун аввал ҳайит намози ўқиб олинади (Ибн Нужайм ал-Мисрий. Баҳр ар-роиқ. 2-жилд. – Миср: Илмия, 1311. – Б. 206).

3)Шом намозига маййит олиб чиқилса, аввал шомнинг фарзи ўқилади, сўнг жаноза намози ўқилади, ундан кейин шом намозининг суннати ўқилади. Яъни, жаноза намози шомнинг суннатидан муқаддам адо қилинади (Шамсиддин ал-Қўҳистоний. Жомеъ ар-румуз. 1-жилд. – Қозон, 1902. – Б. 282).

Албатта кундузи жаноза ўқиб, дафн қилишнинг афзал жиҳатлари бор. Бироқ, юқоридаги жаноза ишларини тезлатиш ва дафнни тезда тугатиш ҳақидаги тавсияларга биноан шом ёки хуфтон намозларидан кейин жаноза ўқиб, кечаси дафн қилишга тўғри келиб қолиши мумкин. Фикҳий

манбаларни кўздан кечирилганда, анъанавий тўрт мазҳаб китобларидан кечаси дафн қилишнинг жоизлиги, макруҳ эмаслиги маълум бўлади. Бу фикрга ҳанафий мазҳаббошилари – Абу Ҳанифа Имом Аъзам (р.х.), Абу Юсуф (р.х.) ва Муҳаммад аш-Шайбоний (р.х.) ҳам яқдиллик билан қўшилганлар. Кечаси дафн қилишнинг макруҳ эмаслиги ва жоиз эканлигига ижмоъ-и уммат содир бўлган. Саҳоба, тобиъин ва таъба тобиъинлардан ҳамда улардан кейингилардан иборат уламолар жумҳури ва салафи солиҳинларнинг кўпчилиги бу ҳукмга рози бўлганлар. Тобиъинларнинг улуғларидан Иброҳим ан-Нахаъий (р.х.), Ибн Шихоб аз-Зухрий (р.х.), Суфён ас-Саврий (р.х.), Ато ибн Абу Рабоҳ (р.х.), Ибн Абу Ҳозим (р.х.), Мутарриф ибн Абдуллоҳ (р.х.), кейингилардан Исҳоқ ибн Роҳвайҳ (р.х.) кабилар ҳам кечаси дафн қилиш жоиз бўлади, деган фикрда бўлганлар (Бадриддин ал-Айний. Умдат ал-қори. 8-жилд. – Байрут: Дор ал-кутуб ал-илмия, 2001. – Б. 217). Имом ан-Нававий (р.х.) айтишича, салаф ва халаф уламоларининг жумҳури кечаси дафн қилишни макруҳ эмас, деганлар. Бунинг учун Абу Бакр ас-Сиддиқ (р.а.) ва бошқа ўтганларнинг ҳеч қандай инкорсиз кечаси дафн қилинганлари далил қилинган (Имом ан-Нававий. Ал-Минҳож шарҳи Саҳиҳи Муслим. 4-жилд. ("Иршод ас-сорий" хошиясида. – Миср: Амирия, 1323. – Б. 269).

Айтганимиздек, ҳанафий мазҳабининг бош мужтаҳидлари – Имом Аъзам Абу Ҳанифа (р.х.), Имом Абу Юсуф (р.х.) ва Имом Муҳаммад аш-Шайбоний (р.х.) би-л-иттифоқ кечаси дафн қилишни макруҳ эмас, деганлар (Абу Жаъфар ат-Таҳовий. Шарҳ Маоний ал-асор. 2-жилд. – Байрут: Дор ал-кутуб ал-илмия, 2013. – Б. 43-46). Шунинг учун ҳанафий мазҳабининг кейинги вакиллари ҳам ушбу фатвони қабул қилаверганлар. Бу борада фикҳий манбаларга мурожаат қиламиз:

Ҳанафийларнинг мужтаҳидлар ва фақиҳлар табақасининг олтинчи табақасидан ўрин олган Иброҳим ал-Ҳалабий (р.х.) қаламига мансуб "Ғунйат ал-мустамлий шарҳ Мунйат ал-мусоллий" номли, халқ орасида "Ҳалабийи кабир" номи билан шуҳрат қозонган асарида қуйидагича ёзилган:

اراهن بحسبم لى و اللى ن فدل ا هركى ال و

"Кечаси дафн қилиш макруҳ бўлмайди, кундузи дафн қилиш мустаҳабдир!" (Иброҳим ал-Ҳалабий. Ҳалабийи кабир. – Лоҳур, 1283. – Б. 656).

Ўз даврининг фикр энциклопедияси деб тан олинган "Фатовойи Оламгирийа"да бундай дейилган:

جاهولاً جارسلال ىف اذك نكماً راهنلاب هنكل و لىلللاب ن فدللاب س أب ال و

"Кечаси дафн қилишнинг зарари йўқ, лекин кундузи имконият кенгроқ. Чунончи, "ас-Сирож ал-ваҳҳож"да мазкурдир" (Фатовойи Оламгирийа. 1-жилд. – Ҳиндистон, 1308. – Б. 233).

XIX асрнинг таниқли ҳанафий олими Аҳмад Таҳтовий (р.х.) бундай ёзган:

ال ملسو هيلع هللا ىلص هلوقل رذع الب اليل ن فدللا هركيو و ناهربلا يفو
كلذب س أب ال قرهوجل يفو هجام نبا هاور اورطضت نأ اللىلللاب مكاتوم اونفدت
ةشئاعو ةمطافو نامثعو ءاعبرأ ةلېل ن فدملسو هيلع هللا ىلص يبنللا نأل
نكماً هنأل لصفأ راهنلاب هنكلو اليل اونفدمهنع ىلعات هللا يضر

"Бурҳон"да келган: "Ўзрсиз кечаси дафн қилиш макруҳ бўлади". Бу Расулуллоҳ (с.а.в.) нинг: "Кечаси ўликларингизни дафн қилманглар, магар музтар бўлсангизлар бундан мустаснодир", деган гаплари борлиги боис. Уни Ибн Можжа ривоят қилган. "ал-Жавҳара"да бунинг зарари йўқ, деб келган. Чунки, Пайғамбар (с.а.в.) чоршанба кечаси дафн қилинганлар, Усмон (р.а.), Фотима (р.а.) ва Оиша (р.а.) кечаси дафн қилинганлар. Лекин, кундузи афзалроқ, чунки имконият кучлироқ" (Аҳмад ат-Таҳтовий. Ҳошият ат-Таҳтовий ъала Мароқий ал-фалоҳ шарҳ нур ал-ийзоҳ. – Байрут: Дор ал-кутуб ал-илмия, 1997. – Б. 613).

Юқоридаги манбада тилга олинган "ал-Жавҳарат ан-наййира"да қуйидагича қайд қилинган:

نفد ماسلا هيلع ىبنل نال نكما راهنلاب هنكل و لىلللاب نفللاب سآب ال و
ةمطاف و ةشئاع تنفد و الىل نفن هنع هلل لىضر نامثع كلكذك و اعبرألالة لىل
ال لىل امهنع هلل لىضر

"Кечаси дафн қилишнинг зарари йўқ. Лекин кундузи имконият каттароқ. Чунки, Пайғамбар (а.с.) чоршанба кечаси дафн қилинганлар. Шунингдек, Усмон (р.а.) ҳам кечаси дафн қилинган. Оиша (р.а.) ва Фотима (р.а.) ҳам кечаси дафн қилинганлар" (Абу Бакр ал-Ҳаддодий ал-Ибодий. Ал-Жавҳарат ан-наййира. 1-жилд. – Истанбул: Ориф, 1315. – Б. 141).

Ҳанафийларнинг сўнгги муҳаққиқ фақиҳларидан Ибн Обидин (р.х.) қаламига мансуб "Радд ал-муҳтор" хошияси ва унинг "Дурр ал-мухтор" матнида бу тарзда айтилган:

اراهن هنوك بحتسمل و اللى نفللاب هركى ال

"Кечаси дафн қилиш макруҳ бўлмайди. Унинг кундузи бўлиши мустаҳабдир" (Ибн Обидин. Радд ал-муҳтор. 3-жилд. – Байрут: Дор ал-кутуб ал-илмия, 2003. – Б. 155-156).

Ҳанафийлардан бошқа мазҳаб китобларида ҳам кечаси дафн қилишнинг макруҳ эмаслиги қайд қилинган:

Шофиъийларнинг машҳур "Тухфат ал-муҳтож шарҳ ал-Минҳож" асарининг хошияларида қуйидагича битилган:

ىف ربخ ب لددتسا هنا عم هدحو ن سح ل ل افال خ ةهارك الب اليل ن فدل زوجي و
ءافل ل ل اذك و هل عف ملس و هيلع هل ل ل ل ص هنا حص امل ك لذ و هل لدي ال ملس م
و اليل ن ف د ملس و هيلع هل ل ل ل ص هنا ل ن غم ل و ةياهن ل ل ة رابع ... ن و دشار ل ل
اض ي ملس و هيلع هل ل ل ل ص هل عف ل ب ك لذك ن امثع و رمع و رك ب و با

"Кечаси дафн қилиш кароҳатсиз жоиз бўлади. Бунга ёлғиз Ҳасан ал-Басрий (р.х.) фикри ўзгача. Шу билан бирга у Имом Муслимдаги келтириши мумкин бўлган далили унга далолат қилмайди. Чунки, Пайғамбар (с.а.в.) шуни қилганлар. Шунингдек, хулафои рошидинлар ҳам. "ан-Ниҳоя" ва "ал-Муғний"нинг ибораси: чунки, Пайғамбар (с.а.в.) кечаси дафн қилинганлар, Абу Бакр (р.а.), Умар (р.а.) ва Усмон (р.а.) ҳам шундай кечаси дафн қилинганлар, балки, Пайғамбар (с.а.в.)нинг ўзлари шу ишни қилганлар" (Абдулҳамид аш-Ширвоний ва Ибн ал-Қосим ал-Ибодий. Ҳавоший Тухфат ал-муҳтож. 3-жилд. – Миср, 1938. – Б. 194-195).

Гарчи Аҳмад ибн Ҳанбал (р.х.) бир ривоятда заруратсиз кечаси дафн қилиш макруҳ бўлишига мойиллик билдирган бўлса-да, бироқ, энг саҳиҳ ривоятида макруҳ эмаслиги борасида фатво берганини – Шамсиддин ибн Қудома (р.х.) "аш-Шарҳ ал-кабир" асарида ханбалий мазҳабининг фикҳий қарашини бу тарзда акс эттирган:

ل ل ل اب ن فدل ي ف دم ح ل اق . اراهه ن و اليل ن فدل زوجي ف تاقوالا هذه ريغ ي ف ام أف
رثك أو اهع ب تم ل ل ل ه س أ ه ن ال ل ل و أ راهه ن ل اب ن فدل او ...، ك لذ ب س أب ام و
ه د ا ج ل ل و ه ن ف د ي ف ة ن س ل ل ع ا ب ت ال ن ك م أو اه ي ل ل ن ي ل ص م ل ل

"Аммо бу вақтлардан (қуёш чиқиши, тиккага келиши ва ботишидан) бошқа пайт кечаси ҳам, кундузи ҳам дафн қилиш жоиз бўлади. Аҳмад (р.х.) кечаси дафн қилишнинг зарари йўқ, деган. Кундузи дафн қилиш авло, чунки, унга эргашиш осонроқ, намоз ўқийдиганлар кўпроқ, дафнда суннатга эргашиш имкониятлироқдир" (Шамсиддин ибн Қудома. Аш-Шарҳ ал-кабир. 6-жилд. ("ал-Муқниъ" ва "ал-Инсоф" билан бир тўпламда. – Ҳижр, 1995. – Б. 250).

Моликийларнинг энг машхур фикҳий манбаси "ал-Мудавванат ал-кубро"да шомдан кейин жаноза ўқиш мумкинлиги баён этилган, бу эса ушбу мазҳабда ҳам кечаси дафн қилиш мумкинлигини билдиради:

بوصا وهف برغم لالة الص دعب اه يلع اولص نا ك ل ام لاق و

"Имом Молик (р.х.) айтади: "Агар жанозани шом намозидан кейин ўқиса, бу тўғрироқдир!" (ал-Мудавванат ал-кубро. – Миср: Саодат, 1323. 1-жилд. – Б. 190).

Айтиш керакки, тобиъинлардан фақат икки зот – Қатода (р.х.) ва Ҳасан ал-Басрий (р.х.) юқоридаги келишувга қарши ўлароқ, кечаси дафн қилишни макруҳ бўлади, деганлар, холос (Ибн Абу Шайба, 3/11952 ва 11960). Имом Аҳмад (р.х.) кечаси дафн қилиш борасида бир ривоятида буларга қўшилган бўлса-да, аммо унинг асосий ривоятида жумхурга қўшилгани маълум бўлади. Ҳанбалий мазҳабида фатво берилган гапга кўра кечаси дафн қилиш макруҳ эмас. Зоҳирийлардан Ибн Ҳазм (р.х.) заруратсиз ҳолатда кечаси дафн қилишни макруҳ, зарурат бўлганда эса макруҳ эмас, деган. Бироқ, уларнинг барчасининг макруҳ дейишлари макруҳи танзиҳийга, яъни ҳалолга яқин макруҳга қаратилган эди.

Ҳанафий мазҳаби фикҳий манбаларида кечаси дафн қилиш жоиз экани, макруҳ бўлмаслиги ҳақидаги ҳукм ва фатволар билан бирга ана ўша Қатода (р.х.) ва Ҳасан ал-Басрий (р.х.)нинг фикрига қўшилган уламоларни ҳам учратиш мумкин. Шулардан бири Мавлоно Али ал-қори (р.х.) бўлиб, у "Ниқоя"га ёзган шарҳида бундай деган:

لي ل ل اب م ك ت او ما اون ف د ت ال م ال س ل ا ه ي ل ع ه ل و ق ل ة ر و ر ص ال ب ال ي ل ن ف د ل ا ه ر ك ي و
ب ط خ م ل س و ه ي ل ع ه ل ل ا ل ي ل ص ي ب ن ل ا ن ا م ل س م ي و ر و ه ج ا م ن ب ا ه ا و ر ا و ر ط ص ت ن ا ال
ر ج ز ف ال ي ل ر ب ق و ل ي ا ط ر ي غ ن ف ك ي ف ن ف د و ض ب ق ه ب ا ح ص ا ن م ال ج ر ك ذ ف ا م و ي
ن ا ال ه ي ل ع ي ل ص ي ت ح ل ي ل ل ا ب ل ج ر ل ا ر ب ق ي ن ا م ل س و ه ي ل ع ه ل ل ا ل ي ل ص ي ب ن ل ا
ن س ح ي ل ف ه ا خ ا م ك د ح ا ن ف ك ا ذ ا م ل س و ه ي ل ع ه ل ل ا ل ي ل ص ل ا ق و ك ل ذ ي ل ا ل ج ر ر ط ص ي
ه ن ف ك

"Заруратсиз кечаси дафн қилиш макруҳ бўлади. Пайғамбар (а.с.)нинг гаплари борлиги учун: "Ўликларингизни кечаси дафн қилманглар! Фақат музтар бўлганингизда бундан мустасно". Уни Ибн Можжа (р.ҳ.) ривоят қилган. Имом Муслим (р.ҳ.) ривоят қилишича, Пайғамбар (с.а.в.) бир куни хутба қилаётганларида, саҳобаларидан бир кимсанинг вафот этгани ва калта кафан билан кечаси дафн қилингани зикр қилинди. Бас, Пайғамбар (с.а.в.) кечаси то намоз ўқилгунча одамни қабрга қўйиш ҳақида қаттиқ гапирдилар. Фақат бу борада музтар бўлган кимса мустасно. Пайғамбар (с.а.в.): "Сизлардан бирларингиз биродарини кафан қиладиган бўлса, унинг кафанини яхши қилсин!", дедилар (Али ал-қори. Шарҳ Мухтасар ал-Виқоя. 1-жилд. – Қозон, 1904. – Б. 261).

Ҳанафийларнинг мужтаҳидлар ва фақиҳлар табақасининг еттинчи табақасидан ўрин оладиган Али ал-қори (р.ҳ.) кечаси дафн қилишнинг макруҳлигига ҳанафий мазҳаби олимларининг гапларини келтирмасдан, тўғридан тўғри ҳадисларга мурожаат қилиб қўя қолган. У келтирган биринчи ҳадиси шариф муҳаддис Ибн Можжа (р.ҳ.) томонидан саҳоба Жобир ибн Абдуллоҳ (р.а.)дан ривоят қилинган: *لَيْلٍ لِّلْأَبْمَكَّةِ أَوْ مَوْتِهَا* – "Ўликларингизни кечаси дафн қилманглар, фақат бунга музтар бўлсангизлар мустасно", деган ҳадиси шариф (Ибн Можжа, 1/1521) бўлиб, Имом Суютий (р.ҳ.) "Жамъ ал-жавомеъ" асарида унинг усноди заифлигини қайд қилган (Жамъ ал-жавомеъ, 1/367). Мазкур маънодаги ҳадис Имом Таҳовий (р.ҳ.) томонидан Абдуллоҳ ибн Умар (р.а.)дан ҳам ривоят қилинган (Таҳовий, 1/2927).

Имом Таҳовий (р.ҳ.) ривоят қилишича, Бани Узра қабиласидан бўлган бир кимса вафот қилиб, кечаси дафн қилинган. Расулуллоҳ (с.а.в.)га бу борада хабар қилинмаган. Унга жаноза ўқий олмай қолганига Расулуллоҳ (с.а.в.) кечаси дафн қилишдан қайтарганлар (Таҳовий, 1/2926).

Уламоларнинг айтишига қараганда, Расулуллоҳ (с.а.в.)нинг кечаси дафн қилишдан қайтаришларининг бир неча сабаблари бор. Расули акрам, ҳабиби муҳтарам (с.а.в.) оламларга раҳмат қилиб юборилган зотдир! Ул зоти шариф ўз даврида вафот қилган барча мўъмин-мусулмонларга жаноза

Ўқиб, дафнида қатнашишни хоҳлар эдилар. Чунки, бу вафот этган мўъмин-мусулмонлар учун битмас-туганмас хайр, барака, фазилат бўларди. Шунинг учун севимли Пайғамбармимиз (с.а.в.) ўзлари бор пайтда кечаси дафн қилиб, дафндан беҳабар қолиб кетишдан қайтарган эдилар. Шунинг учун ҳам ул зоти шариф бундай деган эдилар:

مَوْءِدَةٌ لِّعِيَّتِ الْيَوْمِ وَالْغَدِ بِمَا كُنْتُمْ تَعْبُدُونَ أَلَمْ تَكُنْ تُبْغِي الْوَدَاعَةَ لِمَنْ كَفَرَ بِاللَّهِ مِنْ قَبْلُ وَلَوْلَا إِدْرَاقُنَا أَنَّكُمْ إِفْرَاقٌ لَّكَانَ الْحَدِيثُ مِنَ الْبَدَايِئِ وَأَنْتُمْ كَأَنَّكُمْ كَفَرْتُمْ أَفَلَا تَعْقِلُونَ

"Вафот этган мўъминлардан мен танийдиган ҳар бир инсон бўлса, унга жаноза ўқиш учун мени огоҳлантиринглар! Чунки, уларга ўқиган менинг намозим раҳматдир!" (Таҳовий, 1/2930).

Расулуллоҳ (с.а.в.) бир жаноза ва дафндан қолиб кетганиларда, ўша кимсанинг қабрига бориб, жаноза ўқиганлар ва مَوْءِدَةٌ لِّعِيَّتِ الْيَوْمِ وَالْغَدِ بِمَا كُنْتُمْ تَعْبُدُونَ - "Зулматга чулғанган бу қабр ана энди нурга тўлди", деганлар (Таҳовий, 1/2931).

Расулуллоҳ (с.а.в.) мўъмин-мусулмонларга жаноза ўқиб, унинг ҳаққига дуои фотиҳа қилишга ҳаракат қилар, бу билан вафот этган ана ўша кимсанинг охирати обод бўлишига одамларда жуда катта умид уйғонар эди. Чунки, Аллоҳ таоло ҳам ўз Расулига бу тарзда хитоб қилган эди:

{103} مَوْءِدَةٌ لِّعِيَّتِ الْيَوْمِ وَالْغَدِ بِمَا كُنْتُمْ تَعْبُدُونَ

"Уларга "солат" қил, албатта сенинг "солат"инг улар учун сокинлик (роҳат)дир. Аллоҳ ғоят эшитувчи ва ўта билувчидир!" (Тавба, 103).

Мазкур ояти каримадаги "солат" сўзи бу ерда асосан дуои хайр, дуою фотиҳа маъносида келган бўлса-да, бироқ, айрим муфассирлар ушбу оятда

жаноза намози ҳам назарда тутилганини қайд қилганлар (ал-Қуртубий. Ал-Жомиъ ли-аҳком ал-Қуръон. 8-жилд. // ал-Мактабат аш-шомила. Исдори солис, 2006. – Б. 250; Исмоил Ҳаққий. Руҳ ал-баён. 3-жилд. // ал-Мактабат аш-шомила. Исдори солис, 2006. – Б. 375).

Ҳабашистон подшоҳи ан-Нажоший (р.а.), шунингдек, мадиналик саҳоба Муовия ал-Музаний (р.а.) вафот этганида, Расулуллоҳ (с.а.в.) уларга ҳатто ғоибона жаноза ўқиганликларини ҳам шу маънода тушуниш керак.

Кечаси дафн қилишдан қайтарилганининг иккинчи сабаби кечаси шошилиб, шунингдек, қаронғиликда кафанни тўлиқ қилмасдан калтароқ қилиб қўйиш хавфи бўлганидан эди. Кечаси дафн қилганларнинг бирларида кафанни шу хилда камчилик билан қилинганини эшитган Расулуллоҳ (с.а.в.) кечаси дафн қилишдан қайтарган эдилар. Буни кечаси дафн қилишни макруҳ санайдиган Ҳасан ал-Басрий (р.х.) ривоят қилиб билдирган (Таҳовий, 1/2932). Айна маънодаги ҳадиси шарифни Али ал-қори (р.х.) муҳаддис Имом Муслим (р.х.) ривоятдан иқтибос қилиб келтирган:

ضبقه باحصاً نم الجركذف اموي بطخ ملس و هيلع هلالى لصي بن ل ن
نأ ملس و هيلع هلالى لصي بن ل رجزف اليل رب قو لئاط ريغ ن فك ي ف ن فك ف
لاقو ك لذ ل ن اسن إ ر طض ي ن أ ال هيلع ل ص ي تحت ل ل ل اب ل ج ر ل رب ق ي
ه ن فك ن س ح ي ل ف ه ا خ أ م ك د ح أ ن فك ا ذ إ م ل س و ه ي ل ع ه ل ل ل ي ل ص ي ب ن ل ل

"Пайғамбар (с.а.в.) бир куни хутба қилаётганларида, саҳобаларидан бир кимсанинг вафот этгани ва кўп бўлмаган (калта) кафан билан кечаси қабрга дафн қилингани зикр қилинди. Бас, Пайғамбар (с.а.в.) кечаси то намоз ўқилгунча одамни қабрга қўйиш ҳақида қаттиқ гапирдилар. Фақат бу борада музтар бўлган кимса мустаснолигини айтдилар. Пайғамбар (с.а.в.): "Сизлардан бирларингиз биродарини кафан қиладиган бўлса, унинг кафанини яхши қилсин!", дедилар (Муслим, 1/943).

Аслида, кафанда камчилик билан дафн қилинганда, Расулуллоҳ (с.а.в.) бундан қайтарганликлари ҳақидаги мазкур ривоятни Имом Муслим

(р.х.)дан бошқа муҳаддислар ҳам ривоят қилганлар (Қаранг: Абу Довуд, 3/3148-3150; Насоий, 1/2022, 2141; Аҳмад, 3/14178-14179; Ҳоким, 1/1364-1365; Ибн Ҳиббон, 7/3034; Байҳақий, 2/7167; 3/6486; 4/6708; Ибн ал-Жоруд, 1/546; Абдурраззоқ, 3/6549; Таҳовий, 1/2933).

Шунинг учун Муҳаддис Имом Байҳақий (р.х.) ҳам Расулуллоҳ (с.а.в.)нинг кечаси дафн қилишдан қайтарганликларининг алоҳида сабаблари борлигини билиб, боб сарлавҳаларини "Кечаси дафн қилишдан қайтариқ келгани хабарининг зикри ва ундан мурод жаноза намози йўқ бўлмаслигидир" ва "Кафанни чиройли қилиш кераклиги ҳақида" деб номлаган.

Юқорида келтирилган икки сабаб бўлмаганда, кечаси дафн қилиш мутлақо жоиз эканлигини саҳобаи киромлар, тобиъини изомлар ва улардан кейингилар яхши билганлар. Бунга Имом Муслим (р.х.) бошлиқ муҳаддислар Уқба ибн Омир ал-Жуҳаний (р.а.)дан ривоят қилган мана бу саҳиҳ ҳадиси шариф далил сифатида кўрсатилади:

وَأَنَّ هَيْفَ لِي لَصْنِ نَا أَنَا هِنِي مَلَسُو هَيْلَعِ لَلِ لِي لَصْنِ لَوَسْرِ نَاكَ تَاعِاسِ ثَالِثِ
عَرِي هَظَالِ مَاقِ مَوْقِي نِي حَوْعِ فَعْتَرْتِ يَحْتِ عِزَابِ سَمِشَلِ عِلْطَتِ نِي حِ انَا تَوْمِ رَبِّ قَنْ
بَرْغَتِ نِي حِ بَوْرَغَلِ لِ سَمِشَلِ فَيَضَتِ نِي حَوْ سَمِشَلِ لِي مَتِ يَحْتِ

«Учта вақтларни Расулуллоҳ (с.а.в.) бизларга уларда намоз ўқишимизни, ўликларимизни дафн қилишимизни қайтарган эдилар: қуёш равшан ва зоҳир кўтарилиб чиққунча, алангали иссиқ тиккага келиб, қуёш майл қилиб оғгунча ва қуёш ботиш учун эгилиб, ботиб кетгунча» (Муслим, 1/831; Термизий, 3/1030; Абу Довуд, 3/3194; Насоий, 1/1543, 1548; 2140; Ибн Можжа, 1/1519; Доримий, 1/1483; Аҳмад, 4/17415, 17420; Ибн Ҳиббон, 4/1546; Табароний, 17/797-798; Байҳақий, 2/4175; 4/6704-6705; Абу Яъло, 4/1755; Таёлусий, 1/1001; Ибн Абу Шайба, 2/7435; Таҳовий, 1/917; Абдурраззоқ, 3/6569; Табризий, 1/1040).

Юқоридаги ҳадис лафзига ўхшаш ҳадислар машҳурлик даражасига етиб қолган бўлиб, бу учта вақтдан бошқа вақтларда жаноза ўқиш ва дафн қилиш мутлақо мумкинлиги келиб чиқади. Аслида, Шамс ал-аимма ас-Сарахсий (р.х.) айтишича, жаноза ва дафн ҳозирланса, бу вақтларда ҳам улар би-л-иттифоқ жоиз бўлаверади (Шамсиддин ас-Сарахсий. Ал-Мабсут. 1-жилд. – Байрут: Дор ал-маърифат, 1989. – Б. 152). Таржих соҳибларидан бири Абу Бакр ал-Косоний (р.х.) ўзининг "Бадойеъ ас-санойеъ" асарида юқоридаги ҳадисда жаноза назарда тутилган, дафн эса: **نُفِّدَ لِابَسِ سُبُّ ابْنِ دَاوُدَ** – "Чунки, бу вақтларда дафн қилишнинг зарари йўқ", деган (Абу Бакр ал-Косоний. Бадойеъ ас-санойеъ. 1-жилд. – Байрут: Дор ал-кутуб ал-илмия, 1994. – Б. 316-317). Бунга Расулуллоҳ (с.а.в.)нинг ўзлари кечаси дафн қилишдан қайтариб туриб, ул зоти шарифнинг ўзлари ҳам кечаси дафн ишларида иштирок қилганлари ва кечаси дафн қилинганда, дафн қилувчиларни инкор қилмаганлари далил бўлади. Бунга Имом Бухорий (р.х.) энг саҳиҳ ҳадислар тўпламида "Кечаси дафн қилиш боби"да келтирган саҳиҳдан саҳиҳ ҳадис далил бўлади. Унда айтилишича, Расулуллоҳ (с.а.в.) кечаси дафн қилинган бир кимса ҳақида сўраб қолганлар. Саҳобалар уни кеча кечқурун дафн қилишганини айтишган. Шунда Расулуллоҳ (с.а.в.) бошлиқ саҳобаи киромлар унга қабрида қайта жаноза ўқиганлар (Бухорий, 2/1340; Байҳақий, 2/7250; Табароний, 12/12583; Ибн Ҳиббон, 7/3091). Мазкур ривоятни ҳанафий олими Бадриддин Айний (р.х.) ўзининг "Умдат ал-қори" асарида шарҳ қилар экан, саҳобалар маййитнинг кеча кечқурун дафн қилинганини айтганларида Расулуллоҳ (с.а.в.) инкор қилмаганлари кечаси дафн қилишнинг макруҳ эмаслигига далолат қилади, деган (Бадриддин ал-Айний. Умдат ал-қори. 8-жилд. – Байрут: Дор ал-кутуб ал-илмия, 2001. – Б. 218).

Расулуллоҳ (с.а.в.)дан бизгача етиб келган бошқа ривоятлар ҳам бор:

لَبِقْ نَمَ هَذِخْ أَفْ جَارِسْ هَلْ جَرَسْ أَفْ اَلْيَلِ اَرَبِقْ لَخْدِ مَلَسْ وَ هَلِ عِلْ لَلِ اَلِصْ يَبْنَلِ اَنْ اَعْبَرَا هَلِ عِرْبِكْ وَ اَنْ اَرْقَلَلِ اَلْاَتِ اِهْ اَوَّلِ تَنْ كِنْ اِنْ هَلِ لَلِ كَمْ حِرْ لِقْ وَ اَلِ بَقَلِ لَلِ

"Албатта Пайғамбар (с.а.в.) кечаси қабрга кирдилар. Ул зотга чироқ ёқиб турилди. Маййитни қибла тарафдан олдилар ва "Агар Қуръонни кўп тиловат қиладиган ва (Аллоҳ учун) оҳ-воҳ қиладиган бўлсанг, сени Аллоҳ

рахмат қилсин", дедилар ҳамда унга тўрт такбир айтдилар" (Термизий, 3/1057).

Бир аъробий вафот қилганида, уни кечаси Расулуллоҳ (с.а.в.)нинг ўзлари дафн қилганлар ва ул зотга чироқ тутиб турилган (Ибн Можжа, 1/1520; Абдурраззоқ, 9/6559; Ибн Абу Шайба, 3/11947).

ي ف م لس و ه ي ل ع ه ل ل ا ي ل ص ه ل ل ا ل و س ر ا ذ ا ف ا ه و ت ا ف ة ر ب ق م ل ا ي ف ا ر ا ن س ا ن ا ر ه ت و ص ع ف ر ي ن ا ك ي ذ ل ا ل ج ر ل ا و ه ا ذ ا ف " م ك ب ح ا ص ي ن و ل و ا ن " ل و ق ي و ه ا ذ ا و ر ب ق ل ا ر ك ذ ل ا ب

"Одамлар қабристонда олов кўриб қолдилар. У ерга келсалар, Расулуллоҳ (с.а.в.) қабрда эканлар. Ул зоти шариф: "Менга дўстингизни узатиб юборинглар!", дерди. У (маййит) киши зикрда овозини баланд кўтарадиган кимса эди (Абу Довуд, 2/3164; Таҳовий, 1/2928-2929).

Шунинг учун ҳам саҳоба ва тобиъинлар кечаси жаноза ўқиш ва дафн қилишни макруҳ ҳисобламаганлар:

Саҳобалардан Анас ибн Молик (р.а.)дан кечаси жаноза ўқиш ҳукми ҳақида сўралганида, ул зот бундай деб фатво берган:

رَأَى ن ل ا ب س ت ي م ل ا ي ل ع ة ا ل ص ل ا ك ا ل ل ل ل ا ب ت ي م ل ا ي ل ع ة ا ل ص ل ا م

"Маййитга кечаси намоз ўқиш фақат унга кундузи намоз ўқигандек бўлиши мумкин холос!" (Ибн Абу Шайба, 3/11958).

Тобиъинларнинг улуғларидан Саид ибн ал-Мусаййаб (р.х.) кечаси дафн қилишни зарари йўқ, деб ҳисоблаган (Ибн Абу Шайба, 3/11957).

Тобиъинларнинг улуғларидан яна бири Ато ибн Абу Рабоҳ (р.ҳ.)дан: "Кечаси дафн қилиш мумкинми?", деб сўралганда, у: "Бунинг зарари йўқ", деб жавоб берган (Абдурраззоқ, 9/6548).

Тобиъинларнинг улуғларидан яна бири Уқба ибн Омир (р.ҳ.): "Жаноза тўрт такбирдан иборат. Жаноза ўқишга кечаси ҳам кундузи ҳам баробар. Маййитни кечаси дафн қилинади, дафнга кечаси ҳам кундузи ҳам баробар! Чунки, Абу Бакр (р.а.) кечаси дафн қилинган", деган (Ибн Абу Шайба, 3/11950; Таҳовий, 1/2939).

Шунинг учун ҳам саҳобалар кечаси жаноза намозларини ўқийверганлар, ўлган биродарларини кечаси дафн қилаверганлар. Буни ҳеч ким инкор қилмаган:

Имом Бухорий (р.ҳ.) Расулуллоҳ (с.а.в.) ҳамда Абу Бакр ас-Сиддиқ (р.а.)нинг кечаси дафн қилинганини ёзиб қолдирган (Бухорий, 1/1205 ва 1321; Абдурраззоқ, 9/6550-6552; Ибн Абу Шайба, 3/11951, 11956 ва 11961; Таҳовий, 1/2938).

Муҳаддис Абдурраззоқ (р.ҳ.) айтишича, Абу Бакр ас-Сиддиқ (р.а.) вафот этганида Ҳазрати Умар (р.а.) хуфтондан кейин жаноза ўқиб, уни дафн қилдирган (Абдурраззоқ, 9/6553), кейин келиб витр намозини ўзи ўқиб олган (Ибн Абу Шайба, 3/11953).

Ҳазрати Усмон (р.а.) хуфтондан кейин Бақиъ қабристонига дафн қилинган (Ибн Абу Шайба, 3/11955).

Фотима (р.а.) кечаси дафн қилинган (Абдурраззоқ, 9/6554, 6556; Ибн Абу Шайба, 3/11948-11949; Таҳовий, 1/2935-2937), ҳатто Фотима (р.а.)нинг ўзи шуни васият қилгани ҳам қайд қилинган (Абдурраззоқ, 9/6555).

Тобиъинларнинг улуғи, саҳобалар даврида ҳам қози бўлган Шурайх (р.х.) кечаси дафн қилинган (Абдурраззоқ, 9/6557-6558) ва унинг ўзи ҳам бир боласи вафот этганида кечаси дафн қилган (Ибн Абу Шайба, 3/11954).

Тобиъинлардан Иброҳим ан-Нахаъий (р.х.)нинг кечаси дафн қилинганида биз қўрққандик, деган ривоят ҳам сақланиб қолган (Ибн Абу Шайба, 3/11959).

Юқоридаги далилларга асосланиб, Имом Аъзам Абу Ҳанифа (р.х.), Абу Юсуф (р.х.) ва Муҳаммад аш-Шайбоний (р.х.) бошлиқ ҳанафий фақиҳларининг қарийб барчаси кечаси дафн қилишнинг макруҳ эмаслигига фатво бериб келганлар.

Бироқ, кундузи жаноза ўқиш ва дафн қилишнинг афзал эканини барча мазҳаб аҳллари таъкидлаганлар. Шунинг учун иложи борича, жаноза ишлари ва дафн маросимларини кундузи адо қилишга уруниш мақбулдир. Шунда маййитга жаноза ўқиган одамлар, марҳум ҳаққига дуои хайр қилганлар, Қуръон тиловати қилиб, фотиҳа ўқиганлар кўп бўлади. Зотан, Расулulloҳ (с.а.в.) бундай деб марҳамат қилганлар:

هَي فِ نَوْعِ فِشِي مَهْلِكَةُ نَائِمٍ نَوْعِ لَبِي نِي مَسْمُومٍ نَمَّ هِيَ لَعَلَّ صِي تِي مِ نَمَّ ام
هَي فِ اَوْعِ فِشِ اَلَا

"Модомики бирор маййитга мусулмонлардан юз нафарга етадиган уммат жаноза намози ўқийдиган бўлса, уларнинг ҳаммаси унга шафиъ келтирсалар, албатта унга шафоатчи бўлинади" (Муслим, 2/947; Термизий, 3/1029; Насоий, 1/2118; Аҳмад, 3/13830; Байҳақий, 4/6694; Табароний, "ал-Мўъжам ал-авсат", 6/6039; Абу Яъло, 7/4398; Ибн Абу Шайба, 3/11622).

نع حي لم لا ابأ تلأسف هيف اوعفش الإسان لال نم عم أهيلع يلصي تي م نم ام
نوع برأ لاق عمألا

"Модомики бирор маййитга одамлардан бир уммати жаноза намози ўқиса, уни шафоат қиладилар". Абу-л-Малихдан уммат ҳақида сўрадим. У қирқ нафар одам, деб жавоб берди (Насоий, 1/2120; Аҳмад, 6/26881).

نوع برأ لاق عمألا حي لم لا وبأ لاق هيف اوعفش الإعم أهيلع يلصي م لسم لجر م نم ام
ةئاملا لىلإ

"Модомики бирорта мусулмон кимсага бирорта уммат жаноза ўқиса, уни шафоат қилган бўладилар". Абу-л-Малих (р.х.) айтади: "Умматдан мурод қирқ нафардан юз нафаргача бўлганлардир" (Аҳмад, 6/26855; Табароний, 24/42).

Бошқа ривоятда эса бундай деб марҳамат қилганлар:

ثالث اونوكي نا اوغلب ني م لسم لال نم عم أهيلع يلصي ف توم ي نمؤم م نم ام
هل رفغ ال فوفص

"Модомики мўъмин вафот этар экан, унга мусулмонлардан уч сафга етадиган уммат жаноза намози ўқиса, у маффират қилинади" (Аҳмад, 4/16770).

Яна бир ривоятда мана бундай деганлар:

بجوأ ال فوفص ثالث هيلع يلصي م لسم م نم ام

"Модомики мусулмонга уч саф бўлиб жаноза ўқилар экан, албатта бу (жаннатни ёки мағфиратни) вожиб қилади" (Табароний, 19/665).

Шунинг учун жаноза намози ва дафн ишларини эртароққа, асрдан олдинга мўлжаллаш мақбул. Агар тезроқ дафн қилиш керак бўлса ёки дафн ишлари кечикиб кетадиган бўлса, кечаси – шом ва хуфтондан кейин ҳам дафн қилишнинг ҳанафий мазҳабига кўра ҳеч қандай зарари ва макруҳлиги йўқ.

Ҳамидуллоҳ Беруний